Жахон сўз санъати дунёсида “саргузашт адабиёти” деб аталган ажабтовур ятратик – хилкат бор. Саргузашт адабиётига таъриф берганда, бу соха мутахассислари хаётда юз берган ёки тўкиб чикарилган гаройиб вокеа-саргузаштларни кизикарли хикоя килувчи асарларни назарда тутадилар; уларга хос хусусиятлар: сюжет вокеаларининг фавкулодда сирли-сехрли тус олиши, ўткир интригаларга бойлиги, вокеалар ривожида кутилмаган кескин ўзгаришлар, персонажлар кисматида терс бурилишлар юз бериши, асар кахрамонларининг турли синовларга дуч келишию хар кандай тўсикларни енгиб ўтиб, турли-туман бало-казолардан омон чикиши каби жихатлар тилга олинади. Сўз санъатининг барча тур, шакл – жанрларида бўлганидек, саргузашт адабиёт намуналари орасида хам юки йўк, енгил-елпи, шунчаки олди-кочди вокеалар баёнидан иборат “асарлар” билан баробар, “саргузашт”ни чинакам санъат макомига кўтарган нодир адабий дурдоналари ва хар бир миллий адабиётда унинг етук даргалари хам бор. Сервантеснинг “Дон Кихот”, Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль”, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёхатлари”, А.Дюма, Ф.Купер, М.Рид, Р.Стивенсон, Р. Хаггард каби адибларнинг каттаю кичик баравар севиб ўкиладиган дунёга машхур асарлари шулар жумласидан.

Ўзбек адабиётида бу турнинг илк замонавий намуналарини Абдулла Кодирий яратди, “Жинлар базми”, “Калвак махзум”, “Тошпўлат тажанг” бу йўналишдаги дастлабки тажрибалар эди; ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари миёнасида дунё юзини кўрган Гафур Гуломнинг “Шум бола”си миллий саргузашт адабиётимизнинг чўккиси бўлди.

Шундан кейин мазкур жанрнинг хам мазмунини, хам бадииятини юкори кўтарган ижодкорлардан бири, Ўзбекистон халк ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бўлди. У бадиий ижодни хам катталар, хам болалар учун хикоялар ёзишдан бошлади, катталар учун ёзганларидан бири “Фельетондан сўнг” хикояси конкурс мукофоти билан такдирланди, болаларга ёзганлари “Шошкалок” тўплами хам ижобий бахо олди, лекин у катталар хаётидан олинган “Жонгинам, шартинги айт” ва болаларга аталган “Сехрли калпокча” номли илк саргузашт киссалари билан элга танилди. Айни шу икки асарида унинг асл бисоти, чин истеъдод майллари яккол намоён бўлди. Омадни карангки, хар икки асарни китобхонлар хам, адабий танкид хам бирдек хуш кабул килди. Бундан рухланган ёш адиб “Сехрли калпокча” киссасини кенгайтириб, 1969 йили “Сарик девни миниб” номи остида романга айлантирди. 1973 йили бу асарнинг мантикий давоми тарзида “Сарик девнинг ўлими” дунё юзини кўрди. Сўнг бирин-кетин “Беш болали йигитча” (1976), “Касоскорнинг олтин боши” (1980), “Йиллар ва йўллар” (1983), “Ширин ковунлар мамлакати” (1986), “Жаннати одамлар” (1986) майдонга келди. Бу романларнинг аксарияти ўзимизда хам, хорижда хам довруг козонди, хилма-хил мукофоту совринларга сазовор бўлди. Шу тарика, миллий саргузашт адабиётимиз сардорига айланган адибнинг, айникса, “Сарик девни миниб” билан “Сарик девнинг ўлими” романлари жахон кезишда рекорд козонди, жахоннинг ўттизга якин мамлакатларида чоп этилди, жахондаги шу турнинг етук асарлари каторидан муким ўрин олди.

Бу асарлар халкимиз маънавий хаётида чукур из колдирди. Кейинги ярим аср давомида мактабда таълим олган миллат фарзандларининг деярли барчаси учун Худойберди Тўхтабоев романлари кахрамонлари, хусусан, Хошимжон билан Акрамжон ўз жигарларидек таниш, кадрдон бўлиб кетган. Хўш, Худойберди Тўхтабоев саргузашт романларига шухрат келтирган омиллар нималардан иборат? Менимча, биринчидан, бу

романлардаги саргузаштлар ифодаси жанр такозосига кўра тасаввур, тахаюл махсули бўлмиш кутилмаган фавкулодда ходисалар силсиласидан иборат бўлса-да, улар миллий заминга, муаллифнинг хаётий тажрибалари асосига курилгани билан кимматлидир. Худойберди Тўхтабоев хатто ўзи бевосита шохид бўлмаган вокеа-ходисалар, чунончи, “Касоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар” романларида хам кахрамонлар саргузаштлари тасвири, талкинида ўз хаётий тажрибаларидан келиб чикиб калам сургани яккол сезилиб туради. Иккинчидан, адиб романларининг кахрамонлари болалар бўладими, катталар бўладими, ким бўлишидан катъи назар, улар тасвири, талкини хамиша болаларга хос нигох, самимият билан йўгрилган. Ёзувчи Шукур Холмирзаев топиб айтган: “Худойберди аканинг табиатида ўзи кандайдир мўъжаз, яхши маънода болалик бор”. Айни мана шу хислат – болаларча бегубор соддалик асарларига кўчиб ўтиб уларга ажиб рух, самимият бахш этади. Учинчидан, адиб асарлари поэтикаси, ифода тарзи, усуллари жихатидан ранг-баранг; улар орасида соф хаётий, реалистик йўналишдаги романларни хам, миллий халк огзаки ижоди анъаналари билан йўгрилган хаёлий фантастика, замонавий жахон тажрибаларига хос шиддаткор детектив намуналарини хам, тарихий-биографик саргузашт турларини хам учратиш мумкин. Муаллифнинг шундай романлари хам борки, уларда бир эмас, бир неча ифода тарзи синтезига дуч келамиз. Тўртинчидан, асарлари кандай шакл, кўриниш, рухда бўлишидан катъи назар, хатто кескин драматик, фожиавий вазиятлар ифодасида хам хазил-мутойиба, юмор ёндош холда келади. Нихоят, бешинчидан, олтмишинчи-етмишинчи йиллар адабиётида етакчи тамойилга айланган асарда “гап айтиш”, хаётнинг жиддий муаммоларига муносабат билдириш, муаллифга тинчлик бермаган, калбини ўртаган, кўлига калам олишга ундаган хаёт ва шахс жумбоклари борасидаги дил сўзларини, кўнгил дардларини, армон-ўкинчларини тўкиб солиш ходисаси Худойберди Тўхтабоевнинг болалар учун мўлжалланган саргузашт асарларига хам хос етакчи хусусиятлардандир. Адибнинг “Сарик девни миниб” номли романининг кахрамони – Хошимжон табиатан кулдирувчан, кизикчирок. У топиб гапиради, жўн гапларга хам тўн кийдириб юборади. Унинг нутки хазил-мутойиба, киноя-кесатикларга нихоятда бой. У ўзгаларни кулдиради, ўзи эса сира кулмайди. Асарни худди шу хил бола тилидан хикоя килиш юморист ёзувчи учун жуда-жуда кўл келган.

Хошимжон кўринишдан нихоятда содда, гўл, ширинсухан, майин- мулойим бола, ойиси чакирганда “Лаббай, ойижон”, иш буюрганда “Хўп бўлади, ойижон”, деб туради. Аслида, у хийла мугомбир, кув, шўх бола. У укаларига кун бермайди, ўзига топширилган ишларни укаларига буюради, борди-ю, улар бажармаса холи чаток – оч бикинига мушт келиб тушади. Мактабда хам шундай. Топширикларни бажаришга уринади. Унинг дўсти хар кандай масалани кўз очиб-юмгунча ишлаб ташлайди. Хошимжон хам бўш келмайди, кўз очиб юмгунча ундан кўчириб олади. Факат бу билан кифояланмайди, хатто мактаб директори номига кийин дарсларни жадвалдан чикариб ташлаш хакида ариза ёзади. Хуллас, унинг мехнатга сира тоби йўк, хар сохада хар доим осон йўл кидиради. Бирок, бу йўл уни яхшиликка элтмайди, ўкитувчиларнинг дашномига, ойисининг таъкибига учрайди.

Хошимжон отдан тушса хам, эгардан тушган эмас. Соддадил бола ўз “эътикоди”дан кайтган эмас. У хамон ўкимасдан, мехнат килмасдан шухрат ва мартабага эришиш йўлини кидиради. Шу орада бирдан унинг иши юришиб кетади. Хохлаган нарсасини мухайё этадиган афсонавий сехрли калпокчани топиб олади ва у билан сайрга чикади. Шу ўринга келиб, саргузашт асар ярим фантастик тус олади, бири-биридан кизик,

бири-биридан кулгили гаройиб саргузаштлар бошланиб кетади.  Хошимжоннииг кўнгли нихоятда чог. Мана, энди, у ўз ўкитувчилари кўлида  ўкимасдан туриб хам хар кандай касб эгаси бўлаолиши мумкинлигини  кўрсатиб кўймокчи, кўкси тўла орден, катта шон-шухратлар билан кишлогига  кайтмокчи. Афсус, минг афсус, хатто аф¬сонавий сехрли калпокча хам бу  борада Хошимжонга кўмак беролмайди. Сехрли калпокча мухайё этган  имкониятлар хар сафар кутилмаган кўнгилсиз окибатларга олиб келаверади,  кахрамоннинг бахти энди кулай деб турганда, ишнинг пачаваси чикиб колаверади. У агроном хам бўлади, шоир хам, артист хам, инженер хам  бўлади, бирок, хар сафар билимининг, тажрибанинг йўклиги ишнинг белига  тепаверади. Зотан, асардаги кулгининг хакикий манбаи худди ана шунда.

Муаллиф ёш кахрамон характери ва саргузашти тасвирида бир ёкламаликдан  кочади, кахрамонни олабўжига айлантириб юбормайди, кахрамон хали бола  эканини доимо назарда тутади; Хошимжон табиатида ўзига ярашадиган  кандайдир эркатойлик, одамни ўзига тортадиган самимият, жозиба бор;  аслида, унда хеч канака ёвуз ният йўк, у муайян даражада романтик,  орзу-хавaслар эгаси. Бирок, у орзу-хавасларга элтадиган катта йўлдан бир  муддат четга чикиб сарсон-саргардон бўлади, кулгили вазиятларга тушиб  колади. Кахрамон канчалик хатоларга йўл кўймасин, у, аслида, самимият  эгаси бўлгани учун асардаги кулги самимий, кувноклигича колаверади. Асар  кахрамони нукул бемаънигарчиликлар билан шугулланавермасдан, хайрли  ишлар хам килади: у сехрли калпокча ёрдами билан фолбиннинг  кирдикорларини фош этади, олгир, порахўр мехмонхона ходимларини  саросимага солиб кўяди; хусусан, киссанинг иккинчи кисмида кахрамон  катта иш кўрсатади, сохта, фирибгар дин хомийларининг асл башарасини очиб ташлайди. Учинчи кисмда Хошимжоннинг мактабдаги саргузаштлари хикоя килинади. Кўп хангомаларни бошидан кечирган кахрамонимиз асар охирида  бошкача киёфага киради, орзу-хавасларга элтадиган чинакам йўл одоб ва  кунт билан ўкишда, мехнатда эканига тўла ишонч хосил килади. Кискаси,  охир-окибат кахрамон бисотидаги самимият, эзгу хислатлар голиб келади.

Дадил айтиш мумкинки, бу роман ёзувчининг ижодий такдирида бурилиш  ясади, шу пайтга кадар катталар ва болалар дунёси оралигида иккиланиб  турган ёзувчимиз “Сарик девни миниб” асаридан сўнг, бутунлай болалар  адабиёти майдонига ўтиб олди.

“Сарик девни миниб” эълон этилиб, кўлма-кўл ўкилаётган кезлари муаллиф  номига мактублар ёгилиб кетди. Аксар ўкувчилар: “Сарик дев”нинг давоми  борми?” “Сехрли калпокча” омонми?” деб сўрашади, Хошимжоннинг галдаги  саргузаштлари билан танишиш истагида эканликларини айтишади. Бир  чеккаси, китобхон истагини, колаверса, ёзувчи кўпдан бери кўнглида  йигилиб ётган дарду дунёсини тўкиб солиш ниятида, унинг мантикий давоми –  “Сарик девнинг ўлими” устида ишга киришди. Муаллиф янги асар устида иш  олиб бориш жараёнида, жахон детектив адабиёти намуналари, унинг  назарияси билан якиндан танишади, бу тур адабиёт хусусида ўзининг муайян  карашлари – концепцияси шаклланади. Унингча, детективнинг мухим  шартлари шулардан иборат: 1. Асарда, албатта, ижтимоий мотив биринчи  ўринда туриши керак. 2. Асарнинг бошланишидаёк жиноят ёки котиллик юз  бериши лозим. 3. Изкувар ўз атрофидагиларга караганда аклирок,  идроклирок, топкиррок бўлиши шарт. 4. Китобхон билан изкуварнинг жиноят  хакидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак. 5. Мухаббат, оила мотиви  биринчи планга чикмаслиги керак. 6. Изкуварнинг ўзи жиноятчи бўлмаслиги  керак. 7. Изкувар жиноятчи ёки котилни тасодифан эмас, балки майда икир-чикирларни тахлил килиб, индуктив мулохазалар билан топиши керак.  8. Изкувар

кроссворд жумбогини ечгандек харакат килиши шарт. 9. Кроссворд жумбогини ечиш реалистик асосга курилиши керак. 10. Детектив асарда жиноят битта бўлиши талаб килинади. 11. Жиноятчининг жиноятни беркитишдаги усталиги изкуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак – изкувар аклли душман билан юзма-юз бўлиши керак ва хакозо.

Адиб янги романини ана шу шартлар асосида куришга харакат килади. Ўкувчи бу асарда аввалги китобдан таниш кахрамон – Хошимжон билан кайта учрашади, унинг ўзга бир жиддий вазиятдаги янги саргузаштлари билан танишади, ўта калтис вазиятларда сехрли калпокча мададга келади, ажойиб-гаройиб кароматлар кўрсатади.

Дарвоке, аввалдан таниш бу кахрамон аввалги ўйинкарок Хошимжон эмас, саккиз йилликни битириб, улгайиб, ок-корани таниб колган. Энди у ўз хаёти, такдири устида жиддийрок ўйлайди, ўзига касб танлайди, дастлаб сартарош бўлади, аввалги китобда каллобликларга карши кураш жабхасида шаклланган иштиёк, иш тажрибалари энди уни каттарок майдон сари етаклайди, милиция мактабида ўкиб, милиционерликка ишга ўтади; янги китобдаги таажжуб хангомалар айни шу нуктадан бошланади, ўзгача шиддатли детектив саргузаштлар кахрамоннинг айни шу янги касб-кори билан боглик холда давом этади.

Худойберди Тўхтабоев кўпдан бери милиция ходимларининг машаккатли хаётидан хикоя килувчи, каллоб, юлгич, порахўрлар килмишини фош этувчи йирик асар яратишни орзу килиб келарди. Асарнинг халк милицияси сафида кирк йилдан ортик хизмат килган, пок, саховатли калб эгаси мархум полковник Рахимжон ака Отажонов хотирасига багишлангани бежиз эмас. Китоб муаллифи жиноятчи – каллоб, юлгич, порахўрлар афти-ангорини, кирдикорларини яхши билади, газеталар тахририятида фельетончи бўлиб ишлаган кезлари кўп марта бундай жиноятчилар изига тушган, улар билан юзма-юз тўкнашган, уларнинг сиру асрорини фош этувчи ўткир фельетонлар ёзган. Ўша йиллари тўпланган тажриба, бой хаётий материал, ундан кейинги кузатишлар ушбу асарга асос бўлган.

Аввалги асаридаги каби “Сарик девнинг ўлими”да хам вокеалар “ярим ёлгон, ярим чин” тарзида, яна хам хаётий-реалистик, хам хаёлий-фантастик тарзда давом этади, муаллиф фантастика такозо этадиган шартли-хаёлий усуллардан кенг фойдаланади, рамзий деталь, образларга, кутилмаган фавкулодда вазиятларга дадил мурожаат этади; асар сюжетига сирли-детектив тус беради, конфликтни айни шу тур асарга хос яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан кабохат орасидаги зиддиятларга куради.

Романда яхшилик, эзгулик рамзи сифатида изкувар Салимжон ва унинг мададкори Хошимжон, ёвузлик, разолат, кабохат рамзи тарзида эса Одил баттол тимсоли гавдаланади, улар орасида гох ошкора, гох пинхона бетиним, шиддатли жанг кетади. Салимжон билан Одил баттол умр бўйи олишиб келган. Одил нихоятда маккор. У Салимжон бошига жуда кўп огир савдолар солган, уйига ўт кўйган, норасидаларни оловда ёндирган, унинг яккаю ёлгиз фарзандини йўлдан оздириб, кўлига тўппонча тутказиб жиноятга етаклаган; у хамон тинчимайди, эл-юрт олдида Салимжонни шарманда килмок, кўксига пичок урмок пайида юради. Ўз навбатида, Салимжон хам бўш келмайди, бошига тушган мусибатлар туфайли хар канча куйиб-ёнмасин, калби ўртанмасин курашдан асло толмайди, бўйи-басти букилмайди, иродаси сўнмайди. Нихоят, орада кечган аёвсиз кураш – жанг эзгулик тантанаси билан якунланади. Муаллиф ўкувчини хаёл канотида нурли келажакка – жиноятлар, жиноятчилар бархам топган, Одил баттоллар музей экспонатига айланган замонларга етаклайди; агар халк

ўз эркини кўлга олиб,  каллобларга курашда бир ёкадан бош чикариб оёкка турса, бу эзгу –  орзулар, албатта, рўёбга чикажагига сизу бизни ишонтиради…
 Аввалги романда бўлганидек, мана шу детектив-саргузашт тарзидаги  вокеалар Хошимжон тилидан хикоя килинади. Гарчи, бу романда кахрамонимиз  улгайиб колган, масъулиятли лавозимни эгаллаб турган, мухим ижтимоий  вазифани адо этаётган бўлса-да, болаликда теккан одатлари – ўша  шўх-шаддодлик, андак кувлик, кувноклик табиатида сакланиб колган; хатто  баъзи холларда у хозирги холатини унутиб бутунлай болакайга айланиб  колади, болаларча гўлликка боради. Бу хол кахрамонимизга, колаверса,  асарга ўзгача самимият, кувнок рух, юмористик оханг бахш этади. Ўн саккизга кирмаган ким бор, севги хиссин туймаган ким бор, деганларидек,  Хошимжон хам бу ёшда севги кўчасини четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Ёзувчи  йигитчанинг севги саргузаштларини хам, албатта, саргузашт-детектив асар  такозоси доирасида каламга олади; романнинг умумий рухига мос тарзда  севги саргузаштларини хам кувнок кулги билан йўгрилган холда беради.
 Кабохату жиноятларга карши муросасиз кураш-жанг мотиви кейинрок, 1986  йили чоп этилган “Ширин ковунлар мамлакати ёки сехргарлар жанги”  романида ўзгача тарзда давом эттирилди. Бу асарда аёвсиз кураш энди  бошдан-оёк тахаюл-хаёлотда фантастик тарзда кечади. Бу романни “Сарик  девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” билан боглайдиган жихати шундаки,  хар икки романда иштирок этган Хошимжоннинг дўсти – бироз хаёлпараст,  бироз ўйинкарок Акрамжон бу асарда бош кахрамонга айланади, унинг ширин  ковунлар мамлакатидаги хаёлий саргузаштлари – мамлакатни хар хил иллатлардан тозалаш ниятида сехргар иблис билан олиб борган аёвсиз  жанглари роман асосини ташкил этади. Бу курашда унга устози профессор  Дар Даража якиндан ёрдам беради ва яна ўша сизу бизга таниш сехрли  калпокча бу борада кўл келади. Шу тарика, хар бири ўзича бир дунё,  мустакил хилкат саналмиш бу уч роман, айни пайтда, асосий мотиви, етакчи  персонажлари оркали бир-бирлари билан туташади, шунга кўра уларни ўзига  хос миллий адабиётимизда хозирча ягона саргузашт трилогия деб аташ  мумкин.
 Ёзувчининг соф хаётий-реалистик саргузашт йўлида ёзилган “Беш болали  йигитча”, “Жаннати одамлар” каби асарлари, тарихий саргузашт романнинг  биздаги илк намуналари дея бахо олган “Касоскорнинг олтин боши”, “Йиллар  ва йўллар”нинг хам – хар бирининг миллий адабиётимиз, хусусан, болалар  адабиёти равнакида алохида ўрни бор. Автобиографик характердаги “Беш  болали йигитча” иккинчи жахон уруши йилларида норасидалар бошига тушган  ададсиз кулфат, мусибатларни теран, таъсирчан бетакрор ифодаси жихатидан  Гафур Гуломнинг машхур “Сен етим эмассан” шеъри, Рахмат Файзий  киносценарийси асосида яратилган айни шу номдаги фильм каторида туради.  Бу роман хакида озми-кўпми ёзилди, илик гаплар айтилди, аммо хали айтилмаган, айтилиши лозим бўлган гаплар кўп. “Касоскорнинг олтин боши”  асарининг муаллиф каламига мансуб олдинги романлари билан талай муштарак  жихатлари бор. Аввало, бу асар хам саргузашт йўлида битилган, аввалги  романларга хос кувнок юмор бу асарда хам унга алохида зеб бериб турибди.  Шу билан баробар, бу романнинг аввалгиларидан ажратиб турадиган айрим  ўзига хос томонлари хам мавжуд. Биринчидан, аввалги романлар муаллифга  замондош болакайлар, ўсмирлар хаётидан олинган бўлса, “Касоскорнинг  олтин боши” тарихий ўтмишдан бахс этади, болалар, ўсмирлар эмас,  катталар хаётидан хикоя килади. Иккинчидан, аввалги романларда муаллиф  бола ёки ўсмир кахрамоннинг гаройиб, хаёлий-фантастик саргузаштлари оркали хаётнинг хилма-хил катламларини, турли-туман шахслар киёфасини  кўрсатиш

йўлидан борган бўлса, бу асар марказида тарихий шахс, халк касоскори – Намоз такдири туради. Ёзувчи халк орасида афсонага айланиб кетган бу одамнинг кескин драмаларга тўла кахрамонона хаёт лавхаларини хаётий-тарихий далилларга таянган холда бадиий гавдалантиради.

Намоз шахси ва у бош бўлган касоскорлик кўринишидаги, аслида эса, миллий озодлик харакати мохияти устида ёзувчи кўп бош котирди. Тўгри, ўша пайтларга кадар Намоз харакати илмий жихатдан бирмунча ўрганилган, бу харакатни бахолашда ижобий томонга юз ўгириш бошланган бўлса-да, хали бу хусусда, узил-кесил хукм чикарилган эмасди. Ёзувчи Пиримкул Кодиров романга ёзган сўзбошисида таъкидлаб ўтганидек, Намоз сиймосини бадиий адабиётда гавдалантиришга айрим уринишлар бўлган. Ўз даврида Нурмон бахши у хакда достон куйлаган, афсуски, достондан айрим парчаларгина сакланиб колган, холос; улкан адиб Абдулла Кодирий Намоз хакида йирик асар ёзиш ниятида хужжатлар йиккан, афсус, унинг бу ниятини рўёбга чикариш имкони бўлмаган; рус адибаси Анна Алматинскаянинг “Зулм” трилогиясида Намозга оид бир ярим сахифалик кичик эпизод бор; Иззат Султон “Номаълум киши” драмасидаги Ниёз образига Намозни прототип килиб олган бўлса-да, у тарихий шахс Намоздан бирмунча йироклашиб кетган… Кискаси, “Касоскорнинг олтин боши”дагина илк бор тарихий сиймо – Намоз хаёти, кураши батафсил хикоя килиб берилди. Намоз сиймоси изчил, мукаммал гавдалантирилди.

Намоз саргузашти ифодасида ёзувчи, манбаларга таянади, айрим ўринларда манбалардаги тафсилотларни айнан келтиради; колаверса, халк орасида юрган хикоя, ривоят, наклардан хам фойдаланади. Шу икки жихатдан келиб чикиб, муаллиф хам реалистик саргузашт, хам халк огзаки ижоди ифода усул-услубини кўшиб олиб боради, хаёл-тасаввурга хам андак эрк беради; асар кахрамони Намоз гўё эртак, афсона билан реал хаёт, тарих хакикати орасида турувчи ўзига хос бетакрор сиймога айланади.

Намоз мехнаткаш халк орасидан чиккан, шу мехнаткаш халк манфаати, шаъни, эрки деб курашга отланган оддий бир дехкон йигит. Шу билан баробар, у дунё кўрган, ок-корани таниган, ўз даври учун фавкулодда бир шахс; ўтган аср бошларида Туркистон ўлкасида вужудга келган тўлганишлардан илхомланиб, жабрдийда, икки томонлама эзилган, эркка ташна мехнаткаш халкнинг химоячиси сифатида бош кўтаради. Айни пайтда, Намоз халкимизнинг, халк дахоларининг эрк, озодлик, адолат хакидаги анъаналари вориси сифатида кўринади. У хазрат Навоийнинг: “Илгимдин келгунча золим тигин ушотиб, мазлум жарохатига интиком малхамин кўйдим”, деган дил сўзларини касамёд тарзида тумор килиб бўйнига осиб юради. Сафдошларини хам шунга даъват этади. Шуниси мухимки, бу одам доимо ўз хатти-харакатларини тафтиш этиб боради, ўзи бош бўлган тўда харакатининг ожиз томонларини хам сезади, тан олади; кичик бир тўдани отлантириб бою мансабдорлардан касд олиш, улар мол-мулкини тортиб олиб, кашшок бева-бечораларга бўлиб бериш йўли билан асл муддаога эришиб бўлмаслигини, кенг оммани атрофига уюштириб, халкни кўзгатиш кераклигини тушуниб етади; ана шу дакикаларда унинг рухий кийноклари бошланади, бошкача йўлдан боришга хохиш ва янгича кураш йўлига ўтишда ўзидаги ожизликни англаш, хис этиш жараёни рўй беради. Саргузашт имкониятлари доирасида шундай рухий драматик холатларнинг берилиши катта гап. Айни пайтда, ёзувчи Намоз шахсиятининг бошка кирралари – унинг оддий инсоний хислатларини хам кўрсатишга харакат килади. Намоз мард, танти, жасур пахлавон, шу билан баробар, ўта кўнгилчан, рахмдил инсон, ўзгаларнинг кўзёшларига асло токат килолмайди, у дунёю бу дунёси коронгу бўлиб кетади; аламидан хаммаёкни

зир титратган, золимлар додини бериб юрган бу баходир йигит унаштирилган киз хонадонига ёлгиз киришга ийманади; Намоз мехнаткаш халк манфаати йўлига жони-жахонини тиккан одам, бирок, у ўзининг оила, кариндош-уруглар олдидаги бурчини хам асло унутмайди; шахсий турмуш лаззатлари, оила кувончи ва ташвишлари унинг учун бегона эмас. Опаси Ўгилойга инилик мехри, Насиба билан севги, оилавий интим мулокотлари, кайнисингилларига кўрсатган калб саховатларини муаллиф ўзгача бир самимият билан ифода этади. Безовта, серташвиш кунларда барпо бўлган оила, унинг кувончли дамлари, орзу-умидлари, дарбадарликдан зада бўлган аёл калбининг изтироблари, баъзида эр-хотин орасида бўлиб ўтган паст-баланд гаплар – ора-сира каламга олинган шундай холат-ходисалар тасвири асарга алохида файз бахш этган, ўшандай ўринларда кахрамон чехраси, калб бисоти яна хам очилиб кетади. Чунончи, кочкин пайти Насибани тўлгок тутиб колиши, дунёга келаётган чакалок хаёти деб Намознинг ракиблар олдида таслим бўлиши манзараси – ўша дамлардаги кахрамоннинг рухий холати зўр махорат билан тасвирланган. Бу лавха ўкувчини ларзага солади, ўта тигиз дамлардаги кахрамон холати китобхон хотирасига мустахкам ўрнашиб колади.

Муаллиф талкинича, Намоз касоскор, лекин у террорчиликка, инсон зотини жисмоний азоблашга, котилликка карши. Аммо шафкатсиз замон, золимлар зулми, у тушиб колган мураккаб вазиятлар кахрамонимизни гохо шафкатсиз бўлишга мажбур этади: кези келганда, интиком оловида ўртанган бу йигит бир вактлар ўзини асоссиз камчилаган золимни боплаб савалайди, имконсизликдан бегунох отга карата ўк узади, неча бор ракиблар додини беради, касамидан тонган йигитларни жазолайди, хоинни ўз кўли билан бўгиб ўлдиради… Такрор айтаман, бундай шафкатсизликлар факат вазият такозоси, ўша дамларда кахрамон учун ўзгача йўл йўк.

Нихоят, кахрамоннинг халокати ифодасида аламли, афсус-надоматлар огушида одамни кийнокка соладиган холат бор. Хукмрон маккор кимсалар юзма-юз тўкнашувларда Намозга бас келолмагач, соткин кимсалар кўли билан уни орадан кўтарадилар, ўз ичидан чиккан хоинлар кахрамоннинг олтин бошини танидан жудо этадилар…

Асар ўзбек халки миллий озодлик харакати силсиласида муносиб ўрин олган ёркин тарихий шахс сиймосини жонли гавдалантириб бергани, адабиётимизга чин маънодаги курашчи-кахрамон образини олиб киргани билан кимматлидир. Эхтимол, тарихий шахс Намоз хаётидан яна бошкача йўналишда, ўзгача услуб, усул, жанрда янги асарлар битилар, аммо, “Касоскорнинг олтин боши” Намоз хакидаги роман, миллий адабиётимиздаги илк тарихий-саргузашт роман тарзида кимматини асло йўкотмайди.

Хулоса шуки, миллий маданиятимиз, адабиётимиз равнакига улкан хисса кўшиб келаётган, аллакачон саргузашт сардори даражасига кўтарилган Худойберди Тўхтабоевнинг ижоди янаям сермахсул, бардавом бўлаверсин.